

---

## “Уддабурон” фермер

Жорий йилнинг 15 май куни Мажбурий ижро бюросининг Тошлоқ туман бўлими тезкор ходимлари томонидан электр энергиясидан оқилона фойдаланишга қаратилган тадбирлар ўтказиш жараёнида, Ёзёвон туман Иштирхон МФЙ Навбахор кўчасида жойлашган “Тошмирзабобо” боғдорчилик фермер хўжалигининг электр энергиясидан фойдаланиш аҳволи ўрганилганда, фермер хўжалиги раҳбарлари ҳозирги кунда юртимизда кечаётган пандемиялогик карантин даврида бошқа саховатпеша тадбиркорлар каби аҳолини кам таъминланган қатламига хайрия улашиш ўрнига, аксинча вазиятдан унумли фойдаланиб, электр энергияси ҳисоблагичининг давлат муҳрини қасддан бузиб, уни олиб ташлаб, электр энергияси тармоғига тўғридан—тўғри улаб фойдаланаётганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан тезкор ходимлар томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, суриштирув ҳаракатлари ўтказилиб, давлатга етказилган зарарни аниқлаб, тўлиқ ундириш чоралари кўрилмоқда.

2020-05-19 19:04:15